

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ
ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

75 Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2222-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» ПФ–4589-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 689-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 30 мартдаги 27, 26, 2, 84, 126, 01-02/5-31-сон қарори (рўйхат рақами 2222, 2011 йил 30 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 18-сон, 183-модда) билан тасдиқланган Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
5-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

7 (611)-сон

— 7 —

75-модда

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
2-сон

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
1-сон

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
1-сон

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси**

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
2-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
01-02/5-02-сон

Ўзбекистон Республикаси
 Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,
 Мудофаа вазирлиги, Фавқуллодда вазиятлар
 вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва
 Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил
 28 январдаги 5, 2, 1, 1, 2,
 01-02/5-02-сон қарорига
 ИЛОВА

**Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби
 тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
 қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. 2014 йил 1 январидан бошлаб фуқаролик-ҳуқуқий тарзидаги шартномалар бўйича ишлайдиган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ёшга доир пенсияларнинг минимал миқдоридан паст даромад (гонорар, мукофот ва бошқалар) оладиган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.».

2. 6-банднинг биринчи хатбошиси «(пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 22-банднинг биринчи хатбошиси «(пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 24-банд «(пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эга пенсионерлардан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 26-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«26. Ишловчи пенсионерларга уларга тайинланган пенсиянинг 50 фоиз миқдоридан пенсиялар фақат пенсионер шартнома бўйича ишлаган кунлар учун тўланади. Пенсионер шартнома тузмаган қолган кунларда пенсиялар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тўлиқ миқдорда тўланади.

Тўланаётган пенсия миқдорини ҳисоблаш мисоллари:

1-мисол — 2014 йил 15 январда ёшга доир пенсия олувчи ишламайдиган пенсионер ишга қабул қилинди. Пенсионернинг ҳар ойлик пенсия миқдори 380 800 сўм 00 тийинни ташкил қилади. 2014 йил 1 январдан 14 январгача бўлган давр учун пенсия 100 фоиз миқдоридан ($380\ 800 : 31 \times 14 = 171\ 974$ сўм 19 тийин), 15 январдан 31 январгача бўлган давр учун 50 фоиз миқдоридан ($380\ 800 : 31 \times 17 \times 50\% = 104\ 412$ сўм 90 тийин) тўланади. 2014 йил январь ойи учун пенсия тўлови миқдори 279 387 сўм 09 тийинни ($171\ 974$ сўм 19 тийин + $104\ 412$ сўм 90 тийин) ташкил қилади;

2-мисол — 2014 йил 2 январда ёшга доир пенсия олувчи ишламайдиган пенсионер бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини 150,0 минг сўм миқдоридан тўзди ва у бўйича мажбуриятлар пенсионер

томонидан январь ойи давомида бажарилди. Пенсиянинг ҳар ойлик пенсия миқдори 380 800 сўм 00 тийинни ташкил қилади. Январь ойи учун ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори 187 970 сўм 00 тийин миқдорини ташкил этади. Январь ойи учун пенсия 380 800 сўм 00 тийин миқдорида тўланиши лозим.

3-мисол — 2014 йил 2 январда ёшга доир пенсия олувчи ишламайдиган пенсионер бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини 600,0 минг сўм миқдорида тузди ва у бўйича мажбуриятлар пенсионер томонидан 3 ой давомида бажарилди. Пенсиянинг ўртача ойлик даромади 200 минг сўмни ташкил этади. Пенсиянинг ҳар ойлик пенсия миқдори 380 800 сўм 00 тийинни ташкил қилади. Январь, февраль ва март ойлари учун ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори 187 970 сўм 00 тийин миқдорини ташкил этади. Январь, февраль ва март ойлари учун пенсия ҳар ойда 190 400 сўм 00 тийин миқдорида тўланиши лозим.

4-мисол — 2014 йил 15 январда ёшга доир пенсия олувчи ишламайдиган пенсионер оммавий ахборот воситаларида мақола чоп этиши учун бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини 150,0 минг сўм миқдорида тузди ва у бўйича мажбуриятлар пенсионер томонидан шу куннинг ўзида бажарилди. 2014 йил январь ойи учун пенсия тўлиқ миқдорда тўланиши лозим.».